

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИНИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМЛАР ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛИШИНING БАЪЗИ ЖИХАТЛАРИ

Ахмедов Жалол Турсунмуратович

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Жиззах политехника институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7830718>

Аннотация: Мазкур мақолада Марказий Осиё халқларининг тарихига сўнгги вақтларда юзага келган янгича ўрганишлар ва ёндошувлар хусусида уларининг тарихий муштараклиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Тарих, “миллатчи”, “босмачи”, миллат, элат, Авесто, Самарқанд, Бухоро, Шош, Қошғар, Сайрам.

Марказий Осиё тарихчилари орасида жиддий тортишувларга сабаб бўлиб келаётган мавзулар бўйича минтақадаги бешта давлатдан ҳар бирида мутахассисларнинг у ёки бу даражада ўз муносабатларини билдирганликлари ва билдириб келаётганликлари кўзга ташланади. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, ушбу республикалар орасида айримларидан нисбатан кўпроқ, айримларида эса нисбатан камроқ олимларнинг бу масалада фикр билдираётганликлари диққатни тортади. Хусусан, Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистон тарихчилари масалага нисбатан фаолроқ ёндашаётган бўлса, Қирғизистон ва Туркменистон олимлари масалага бирмунча пассив муносабат билдирганликлари таъкидлаб ўтиш керак бўлади.

Деярли ўттиз йил ичида Марказий Осиё халқлари тарихида қайси халқлар етакчилик қилганлиги, қайси ҳудудларда давлатчилик олдин, қайси ҳудудларда бирмунча кейин пайдо бўлганлиги, шунингдек, бошқарувчи сулолалар қайси этносларга тегишли эканлиги масаласида тортишувлар ва бу масалага у ёки бу даражада илмий ва объектив ёндашган тадқиқотчиларга ўзбекистонлик тарихчилар мисолида қараб чиқилса қуйидагича ҳолатга дуч келиш мумкин. Ўзбекистонлик етакчи тарихчи олимлардан академик А. Асқаров, А. Сағдуллаев, Э.В. Ртвеладзелар қўшни республикалардаги айрим йирик тарихчи олимларнинг фикрларига жавоб тариқасида бир неча мақола эълон қилганликларини айтиб ўтиш зарур. Ушбу олимларимиз қўшни республикалар ўтказилаётган халқаро анжуманларда кўтариб чиқилган масалаларга ўз муносабатини билдирар экан, асосан Марказий Осиё халқлари давлатчилиги ва этногенези масаласида илмий жамоатчилик норозилигига сабаб бўлаётган омилларга тўхталганликлари кўзга ташланади. Қуйида ушбу олимларимиз ва яна бошқа бир қатор ўзбекистонлик тарихчиларнинг нуқтаи назарлари билан танишиб чиқсак.

А. Асқаров Марказий Осиёнинг қадим халқлари кимлар эканлиги, минтақадаги илк давлатлар масаласида ўзининг бир қатор қарашларини илгари сурган бўлиб, унга кўра минтақада эроний ва туркий халқлар анча қадимдан яшаб келади. Унга кўра, эроний халқлар, хусусан, шарқий эроний элатлар милоддан олдинги икки минг йилликда, яъни бронза даврида минтақанинг етакчи элати сифатида кўрина бошлаган ва илк темир даврида – милоддан олдинги VII – VI асрларда тарих саҳнасига чиққан Катта Хоразм, Суғд ва Бақтрия давлатлари улар томонидан барпо қилинган илк давлатлар эди. Ўз навбатида А. Асқаров туркий элатларнинг Марказий Осиёда кенг кўламда кўрина бошлаган даври сифатида милоддан олдинги иккинчи мингйилликнинг ўрталарини белгилаб, хитой йилномаларида “ди” (дили, телэ) кўринишларида

учрайдиган, “Авесто”да тур деб тилга олинган кўчманчиларни орийлар билан тенглаштириб, уларни минтақанинг жанубига – Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудларга кўчиши Ғарбий Сибир, Олтой, Еттисув орқали юз берганлигини таъкидлайди. Шу тариқа у тожикистонлик Р. Масов, Н. Негматов ва бошқалар томонидан 2000 йилларнинг бошларида олға сурилган “орийлар – тожикларнинг тўғридан-тўғри аجدодларидир” деган мазмундаги қарашларни рад қилишга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, орийлар аслида туркий бўлиб, кейинчалик эроний тилда сўзлашишга ўтиб кетишган.

Тадқиқотчининг бу қараши орийлар дастлаб яшаган Ғарбий Сибир - Олтой ҳудудларида олиб борилган археологик қазилмаларда қўлга киритилган моддий буюмлар (уруш ва меҳнат қуролилари, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечаклари), шунингдек, хитойшунос олим А. Хўжаевнинг хитойча манбаларга таяниб олға сурган фикрларига асосланган. Бироқ бу каби тўғридан-тўғри эмас, билвосита маълумотларга таянган ҳолда орийларнинг этник мансублиги ва тили борасида бундай кескин фикрларни билдириш бир қатор тортишувларга сабаб бўлади. Тадқиқотчининг бу қарашлари тожикистонлик ва дунё тарихчилари томонидан қаттиқ танқид қилинганидек ўзбекистонлик олимлар ҳам унинг бу каби қарашларини танқид остига олишди.

Ундан анчагина фарқли қарашларни билдирган А. Сагдуллаев эса Марказий Осиё республикаларида, айниқса, Қозоғистон, Туркменистон ва Тожикистоннинг бир гуруҳ олимлари томонидан илгари сурилган ва давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, минтақа илмий жамоатчилигининг норозилигига сабаб бўлаётган масалаларга эътибор қаратди. Унинг фикрича, минтақа халқларидан бирортасини соф этник гуруҳ деб бўлмайдиган, минтақада қадимдан то бугунги кунгача ташкил этилган давлатлар аҳолиси турли тилли бўлиб, уларнинг этногенезида фарқли этник компонентлар иштирок этишган. Марказий Осиё ҳеч қачон кўп асрлар давомида битта давлат қўл остида бўлмаган, минтақани битта байроқ остида бирлаштириш фикри мавжуд бўлмаган, минтақадаги давлатчилик минг йиллар давомида катта-кичик воҳаларда ҳукм сурган турли даражадаги сиёсий уюшмалар (мас. Хоразм, Бақтрия, Суғд ва Ҳ.К.) сифатида ўзини намоён қилган. Шу билан бирга, унга кўра, минтақада туркийларнинг пайдо бўлишини қадимийлаштиришга уриниш ярамайди. Шунингдек, А. Сагдуллаев Марказий Осиёдаги, шу жумладан, Ўзбекистон илм-фани оламида анъанага айланган талаблар ҳақида сўз юритиб, илмий асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларда ҳозирча кўпчилик томонидан қабул қилиниб, фанда ўз ўрнини топиб улгурмаган қарашлар ва концепцияларни эркин ўртага ташлаш, уларни айниқса, ўқув қўлланма ва дарсликларга киритиш одат тусини олмоқдалигини ёзиб, шундай асарлар сирасига А. Асқаровнинг «Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи» ўқув қўлланмасини киритиш мумкин, деб таъкидлайди.

А. Сагдуллаевнинг кўплаб фикрларида жон бор, бироқ унинг айрим қайдлари минтақадаги қадимги давлатчиликда эроний элатларнинг ўрнини юқорироқ, бошқаларникини эса нисбатан камроқ кўрсатгандек тасаввур уйғотадиган жиҳатлар ҳақ кўзга ташланади.

Э.В. Ртвеладзе ҳам бир қатор мақолаларида Марказий Осиёнинг айрим республикаларида кенг ёйилаётган бирёқламали қарашларга ўз муносабатини

билдирар экан, Туркменистондаги минтақа тарихи бўйича бирёқламаликларни танқид қилиб, олти мингйилдан бери туркман халқи минтақада етакчи миллат бўлганлиги, кўплаб йирик сулолалар (Парфия, Кушон, Эфталлийлар, Салжукийлар, Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар ва ҳ.к.) фақатгина туркманларга тегишли экани ҳақидаги қарашлар тобора урчиб кетаёганлигига тўхталади. Туркменистонлик бир гуруҳ тарихчилар ва ҳукуматнинг талаби остида айтилаётган бу талқинларнинг бир қисмида жон бор бўлса-да, катта бир қисми абсурд фикрлардир.

Э.В. Ртвеладзе ва у билан бирга “Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар” ҳаммуаллифлик қилган илмий монографиянинг тақдиқотчилар минтақанинг қадимги давлатлари ва уларнинг этник таркиби ҳақида шундай ёзтишган: “Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғи – алоҳида тарихий-географик ва тарихий-маданий ҳудудлар унинг цивилизацияси икки буюк дарё: Амударё (қадимги Окс) ва Сирдарё (қадимги Яксарт) туфайли кўплаб минг йилликлар мобайнида мавжуд бўлди. Бу жойда юзага келган давлатлар қадимги даврларда ҳам, ўрта асрларда ҳам умумий белгилар бўлишига қарамай, Ўрта Осиёнинг бошқа қисмларидаги давлатлардан кўплаб белгиларига кўра ажралиб турган Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғи ҳудуди доирасининг ўзида шимолий вилоятлар (Хоразм) ва жанубий вилоятлар (Бақтрия) айниқса қадимги даврларда этник ва маданий, тил ва ёзув, давлат қурилиги тизими жиҳатидан бир-биридан фарқ қилган. Бу ҳар бир вилоятга хос бўлган маданий-генетик тиллар, даражаси ҳар бир вилоятда турлича бўлган ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг рақобатлашуви билан белгиланган” деб ёзган бўлса-да, айрим ўринларда ушбу фикридан бирмунча фарқланувчи қарашларни ҳам айтиб ўтган.

Ушбу тақдиқотчининг минтақа халқлари тарихини ёритишга улкан улуш қўшганини таъкидлаган ҳолда Э.В. Ртвеладзенинг ўзи ҳам бир қатор масалаларда бирёқламаликларга йўлга қўйганлигини айтиб ўтиш керак. Айниқса, унинг минтақа халқларининг қадимги давр давлатчилиги масаласига тўхталар экан, бир этноснинг хизматларини анча юқори баҳолаб, шу масалага кенг тўхталгани, иккинчисини эса деярли йўқ деб ҳисоблаганини эътирозларни келтириб чиқаради. Хусусан, у Хоразм давлатчилиги тарихини ёзар экан, ёзма манбаларда анчагина маълумотлар учрашига қарамай воҳадаги туркийларнинг ролига тўхталмай ўтиши бирмунча мавҳумликни келтириб чиқаради.

Ушбу олимлардан анчагина фарқли ёндашган олимлар ҳам бўлиб. Улар орасида Г. Ҳидояттов, Ш. Камолиддин, А. Хўжаевлар ўзларининг бир қатор янгича қарашлари билан ажралиб туради. Масалан, Г. Ҳидояттов Сомонийлар сулоласининг Марказий Осиё тарихидаги ўрни тожикистонлик олимлар томонидан анча бўрттирилган деб қараса, Ш. Камолиддин ушбу сулолага асос солган хонадон – Баҳром Чубин ва унинг авлодларини туркийлар билан боғлашга уринади. Унга кўра, Сомонийларнинг аجدодлари асли балхлик, фарғоналик ва чочлик туркий бошқарувчи тоифага алоқадордир. Бу борада кўплаб мақола ва китоблар нашр қилдирган Ш. Камолиддиннинг қарашлари тожикистонлик бир қатор олимларнинг норозиликка сабаб бўлганлигини айтиб ўтиш керак. Ҳар иккала томоннинг қарашларида бирмунча камчиликлар мавжуд бўлиб, Баҳром Чубин ва унинг авлодлари – Сомонхудот билан боғлиқ ўз даври манбаларининг оз етиб келганлиги, кўпчилиги ривоят характеридаги маълумотлардан иборат эканлигини айтиб ўтиш зарур.

Марказий Осиё халқларининг қадимийлиги ва қадимги давр маданияти айнан кимга тегишлилиги масаласига эътибор қаратган Ш. Камоллиддин минтақанинг қадимги топонимлари масаласида ҳам бир қатор эътирозга сабаб бўлувчи қарашларни ҳам ўртага ташлаб келаётганини таъкидлаш керак бўлади. Биринчидан, бирор бир минтақа маданиятини айнан қайси этносга тегишли, қайсисининг улуши кўпроқ, қайсисиникига эса йўқ мазмунда ёндашув ўзини оқламайди. Чунки муайян бир маданият, айниқса, маданий жараёнлар энг фаол кечган жой сифатида асосан шаҳарлар ва уларни қамраб олган давлатлар ҳисобланиб, кўпинча улар кўп элатли бўлади. Буни ривожланган ўрта аср муаллифлари, хусусан, Наршахий, Беруний, Маҳмуд Кошғарий ва ҳоказо марказий осийлик алломалар ўз вақтида бир неча бор таъкидлаб ўтишган.

Ш. Камоллиддин минтақанинг қадимги топонимларига тўхталиш мобайнида кўплаб жой номларини туркийлар билан боғлаши диққатга сазовор. Бироқ у келтирган шаҳар ва йирик қишлоқлар номларининг сезиларли бир қисми тарихий ва лингвистик томондан тўлақонли исботлаб берилмаган ёки ишончлилик даражаси етарлича эмас. Тадқиқотчи бир неча ўнлаб туркий топонимларни, шу жумладан, Тошкент, Ўзкенд, Бойкенд, Тункент, Суткенд, Ўтрор, Қорачук, Талас ва ҳоказо каби йирик қадимий аҳоли масканларининг туркий эканлигини ёзма манбалар асосида кўрсатиб бера олган бўлса-да, унинг Тохаристон, Марв, Бухоро ва Хоразм каби тарихий-географик вилоятладаги ўнлаб топонимларни туркий негизда қидириши етарлича ўз тасдиғини топмаган. Айниқса, унинг -хон, -қон, -гон каби қадимги эроний топоформантлар билан тугайдиган жой номларида туркий асос кўришга интилиши илмий жиҳатдан асосланмаган.

Марказий Осиё халқларининг қадимги даврлари, айниқса, минтақанинг сак-скиф, юечжи, усун каби кўчманчи элатларининг этник мансублиги масаласида синчковлик билан изланишлар олиб бораётган А. Хўжаевнинг тадқиқотлари ҳам диққатга сазовордир. Кўпроқ хитой манбаларига таяниб ўз тадқиқотларини илмий жамаотчиликка етказиб бераётган ушбу олимнинг фикрича, минтақа халқларининг катта қисми жуда қадим замонлардан бери туркий негизли бўлиб, улар милoddан олдинги иккинчи мингйилликда сз (сак), ди (тур, туро), рун, шюнну (сюнну, хун) деган номлар остида билинган. Унинг фикрича, хитой йилномаларида “юечжи” деб тилга олинган Еттисув ва Олтой оралиғида яшаган кўчманчи элат аслида “ўғуз” этнонимига алоқалордир. Бу фикр жаҳон тарихчиларининг катта эътирози сабаб бўлиши кейинги йилларда айрим олимларимиз томонидан бир неча бор айтилганига қарамай, юечжи – ўғуз бирлиги масаласини етарлича таҳлилдан ўтказмасдан қабул қилишаётгани кўзга ташланади.

Бугунги кунда Марказий Осиё халқлари тарихи билан шуғулланаётган жаҳоннинг етакчи тадқиқотчилари “юечжи” этноним аслида “тохар” этнонимининг қадимги хитой иероглифларида хитой тилига мослаштирилиб берилганлигини илгари суриб, ушбу атама бўйича шу пайтгача билдириб келинаётган кўплаб фикрларга нуқта қўйишди. Жумладан, француз, инглиз ва Ғарбнинг етакчи илмий муассасаларида бу масала бўйича изланишлар олиб борилиб, “юечжи” атамасининг аслида “тохар” деган этноним эканлигини кўрсатувчи қуйидагича далилларни келтиришди: 1) хитой манбалари милoddнинг илк асрларида ҳинд тилига ўгирилганда “юечжи” сўзи “тохар” кўринишида берилганлиги; 2) ўз навбатида қадимги хитойликлар ҳинд манбаларида “тохар” деб

келтирилган этнонимни “юэчжи” шаклида берганликлари; 3) дастлаб милoddан олдинги II асрда Шарқий Туркистоннинг Турфон воҳаси ва унинг теvarакларидан жануби-ғарбга – Грек-Бақтрия давлати худудларига кириб келган юэчжилар ва уларнинг бир тармоғи бўлган “кушон” (хитой манбаларида “гуйшуан”) элатининг 3-4 асрлик бошқаруви натижасида Бақтрия ўлкаси “Тохаристон”, яъни “тохарларнинг ўлкаси” деб атала бошлаганлиги ва ҳоказо.

Чиндан ҳам милoddий III – IV асрларга келгач, “Бақтрия” атамаси истеъmolдан чиқиб, унинг ўрнида “Тохаристон” атамаси кенг ёйила бошлаганини илк ўрта асрларга тегиши ҳам маҳаллий манбалар (ҳинд, бақтрий, суғдий тилли ёзма манбалар ва нумизматик материаллар), ҳам хитой йилномаларидаги “Тухоло” (Тохар) атамаси тасдиқлайди. Айниқса, хитой йилномаларида милoddан олдинги сўнгги мингйилликнинг охириги асрлари ва милoddнинг дастлабки асрларида Бақтрия атамаси “Дася” деб қайд этилган бўлса, илк ўрта асрларда эса бу атама ўрнида асосан “Тухоло” этнотопоними ишлатила бошлаганлиги кўзга ташланади.

А. Хўжаевнинг бирмунча тортишувли фикри эса туркий халқларни қадимдан европоид бўлган деб қарашидир. Унга кўра, милoddан олдинги мингйилликларда хитой йилномаларида “чуқур кўзли, қиррабурунли, соқолли кишилар” деб тилга олинган ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон аҳолиси туркийларнинг аجدодлари бўлган, бунини туркий халқларнинг кўпчилигининг ташқи кўриниши шунга ўхшашлиги ҳам тасдиқлайди. Аслида қадимги дvar ва ўрта асрлар тегишли турли тиллардаги ёзма манбалар, археологик топилмалар, тасвирий санъат асарлари, туркий халқлар антропологик қиёфаси бўйича олиб борилган изланишлар туркийларда монголоидлик устувор, шу билан бирга қадимдан европоид элементларга ҳам эга бўлганлигини кўрсатади. Айниқса, бу ҳолат хун салтанатлари ва Турк хоқонлиги даврига тегишли ёзма манбалар ва археологик материаллар асосида анчагина ўз тасдиғига эга. Туркий халқларда монголоид унсурлар нисбатан етакчи бўлганлиги хоқонлик даври тангалари, илк ўрта асрларга тегишли Афросиёб (Самарқанд), Панжикент, Болаликтепа, Варахша, Шахристон, Бомиён (Афғонистон), Қизил, Безаклик (Шарқий Туркистон) каби сарой деворий расмлари, муҳрлар ва ҳоказолар орқали маълум.

Ш. Шайдуллаевнинг А. Асқаров ва бошқа олимларнинг фикрларига таяниб, Андроново маданияти вакиллари ва Сакларнинг барчаси ҳам эроний тилли бўлмасдан, улар орасида туркий элементлар учраши тўғрисидаги қарашлари умуман олганда тўғри. Бироқ Андроново аҳолиси ва скиф-сакларнинг эроний тилли элатлар бўлганлиги бўйича далиллар анча кўпчиликни ташкил этиши, туркий элементлар, тўғрироғи туркий элементлар эса нисбатан камчиликни ташкил қилганини айтиб ўтиш зарур. Айниқса, сакларнинг бир қисми, яъни Қора денгиз бўйларидаги эроний тилли скифлардан анча шарқда яшаган кичик бир бўлагини прототуркча сўзлашган деб тахмин қилишга ундайдиган айрим маълумотлар бор. Милoddан олдинги III – I мингйилликларда Хитойдан шимоли-ғарбда яшаган ва хитойлик муаллифлар “ди”, “динлин”, “рун”, “гянгун”, “ху” деб тилга олинган кўчманчи элатлардан айнан қайсиларининг прототуркча сўзлашганликлари ва улардан қай бирининг Андроново маданияти эгалари ёки скиф-саклар билан битта негиздан эканини кўрсатадиган лингвистик далиллар ҳам ҳозирча деярли аниқланмаган. Шу билан бирга, улардан айримларининг, айниқса, ди ёки динлин элатларининг “сюнну” (хун)лар билан тил

жиҳатдан яқин бўлганини кўрсатадиган айрим хитойча маълумотларга таяниб, ушбу элатлар Марказий Осиёнинг дашт қисмлари, яъни минтақанинг шимоли-шарқий ҳудудларида яшаганликларини айтиб ўтиш керак бўлади.

Хуллас, Марказий Осиё минтақаси, хусусан, унинг узвий бир қисми бўлган Ўрта Осиё халқлари тарихининг энг қадимги давлари, айниқса, милоддан олдинги II – I мингйилликлар ва милод бошидаги илк давлатлар ва унинг аҳолиси мавзусида кейинги ўнйилликларда ўзбекистонлик етакчи олимлар томонидан билдирилган қарашлар билан қисқача танишиб чиқиш шуни кўрсатадики, бу масала ҳалигача тўлақонли ўз ечимини топмаган. Шу билан бирга, минтақада ҳинд-орийлар, шу жумладан, эронийлар ва олтой тил оиласига мансуб туркий элатларнинг миграцияси ва минтақа халқлари давлатчилигига қўшган улушлари тўғрисида бирмунча янги фикрлар айтилганлиги кўзга ташланади.

Марказий Осиё ҳудудларидаги қадимги аҳоли масканлари аҳолисининг этник мансублиги ва тили масаласига тўхталган ўзбекистонлик тадқиқотчилар томонидан атрофлича ўрганилган ва ўрганишда давом этмоқда.

References:

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: ЎЗР ФА ШИ, 2014; Асқаров А. История происхождения узбекского народа. – Ташкент: “Узбекистан”, 2018;
2. Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология // «ЎЗИФ» журнали, № VI. – Тошкент: 1996.
3. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллеев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001;
4. Сагдуллаев А.С. Проблема инноваций в учебном процессе (на примере изучения этногенеза и этнической истории) / «Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар». – Тошкент, 2012. – С. 267-268.
5. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллеев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 47.
6. Камолиддин Ш. Саманиды. Из истории государственности Узбекистана в IX-X вв.
7. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2012.
8. Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон // Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент, 1965. – Б. 311–312; Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Таржимон А. Расулов / Танланган асарлар. I жилд. – Тошкент: Фан, 1968; Абу Райхан Беруни. Канон Мас`уда / Избранные произведения. V. Часть первая. Перевод и примечания Б. А. Розенфельда и А. Ахмедова. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 471.
9. Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: 1948. - С. 68; Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. - М.: Л., 1948. - С. 86.
10. Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. – Б. 170.
11. Бобоёров Ғ. Ўзбек тили тарихи – I. Энг эски чоғлари. – Тошкент: Фан, 2022. – Б. 23, 46-48.